

Абдулла Қодирий

МЕҲРОБДАН ЧАЁН

(*Худоёрхон ва муншийлари ҳаётидан тарихий рўмон*)

Тошкент

Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1994

Рўмоннинг мавзۇи тўғрисида

Туркистон феодалларининг кейинги вакили бўлган Худоёрнинг ўз хоҳиши йўлида деҳқон оммаси ва майда ҳунарманд — қосиб синфини қурбон қилиши, мамлакат хотин-қизларини истаганча тасарруф этиши, бунга қарши келгучилар тиласа ким бўлмасин, раҳмсиз жазо бериши рўмоннинг мавзۇидир. Худоёрнинг бу йўлдаги биринчи истинодгоҳи бўлган уламолар, уларнинг ички-ташқи аҳволи, ахлоқи, мадраса ва оила ҳаёти, уламода инсоний ҳис битканлиги ва қолғани ҳам хабосат¹ пардаси остида сезилмас даражага етканлиги мундарижа сиғдирган қадар баён қилинадир. Булар рўмоннинг номарғуб — манфий қаҳрамонлари. Иккинчи тарафда мазкур қора кучларга қарши "тубан" синф — камбағаллар, уларнинг хонлиқ тузилишига, қора куч — уламо алайҳига чиқиши. Меҳнаткаш камбағалларнинг ахлоқи, сажияси, оиласи, турмиши ва бир-бирига алоқаси, самимияти.

Албатта, мен бу сўнги марғуб қаҳрамонларни ўзбек тарихининг ҳазми кўтарган қадар ўз ҳолича олишқа тиришдим. Уларнинг хон ва уламога қарши исёни табиъий — шаръийдир. Чунки шундан ортиғо сохта бўлиши устига китобнинг қадрини ҳам тушурад эди. Шу икки синф курашини тасвир қилиш воситасида хон ҳарами, хотинлари, қирқ қизлар, тарихий ва этнўғрафий лавҳалар, ўзбек ҳаёти, қизиқчилиги, танқидчилиги, ўзбек хотин-қизлари орасидаги истеъдод, шоиралар, азкиячилик ва бошқа яна кўб нуқталарни қамраб олинди.

Рўмонда яна бундан бошқа кўб жиҳатлар бор. Уларни бу ерда санаб ўлтуруш ҳожат эмас, улар муҳтарам ўқуғучининг назаридан қочиб қутилмас.

*Абдулла Қодирий (Жулқунбой)
Тошканд, 1928-нчи йил, 5 феврал*

¹ *Хабосат* – нопоклик.

— Агар Фарҳоднинг Ширин, бўлса Мажнунларнинг Лайлоси
Насиб ўлмиш менга гулшан аро гулларнинг — Раъноси.
(Мирзо)

Агар ор этса Лайли ҳақлидир Қайсининг жунунидин
Не бахт Раъно харидоринг талаб аҳлининг — Мирзоси.
(Раъно)

1. РАЪНОНИНГ ЭГАСИ

Солиҳ махдум бу кун одатдан ташқари ешилиб кетди, масжиддан чиқиб тўғри қассобнинг олдиға борди, бир тангалик гўшт, саккиз пуллик пиёз олиб ҳавлисига келди. Мактабда ҳуснихат машқ қилиб ўлтурғучи болалар ичидан иккитасини гулзорни супуриб, сув сепишка буюрди ва ўзи гўштни кўтариб ичкарига кирди.

Нигор ойим ҳозирғина қизларни озод қўюб, кўкрак боласини бағриға олған эди. Раъно ҳавли юзида иккита укасининг ўртасиға тушиб, уларнинг лой ўюниға иштирок этар, ер супуриб ётқан соч ўрумларининг тупроққа белашканидан хабарсиз эди.

Гўшт кўтариб йўлакдан кирган Солиҳ махдумнинг кўзи Раънонинг шу ҳолиға тушди:

— Балли Раъно, ана жиннилик! — деди махдум, — атлас кўйлак сенга ҳайф, сенга бўздан бошқаси албатта ҳайф!

Раъно ўрнидан турди, дадасидан уялиб лойлик қўлларини орқасиға яширди.

— Уят эмасми, юв оқўлингни, юв! Укаларингни бола десам, сен улардан ҳам ошиб тушасан!

Раъно югуриб ариққа кетди, Нигор ойим ўлтурган жойидан “Раънонинг ақли тушсин” деб кулиб қўйди. Солиҳ махдум хануз Раънодан койиб келар эди:

— Ишинг бўлмаса китоб ўқи, ҳустихат ол, сен кулолнинг қизи эмассанки...

Солиҳ махдум гўштни Нигор ойимнинг ёниға қўюб ўзи зина билан айвонга чикди.

Махдум томонидан Раънонинг тергалиши Нигор ойимни унча машғул этмади. Аммо ҳозир унинг кўнглиға келган масала эрининг чиқим важиға фавқулудда ешилиб кетиши эди. Тўғри, Нигор ойимнинг ошхонасиға шунингдек бир неча чораклаб гўштлар кўб келар эди, фақат эти томонидан эмас. Солиҳ махдумнинг жўмардлиғи кўпинча йигирма пайса¹ этдан нариға ошмас, шунда ҳам болалардан мўмайроқ “озодлик” келиб қолса ёки “панжшанбалик” куткандан ортиғроқ тушса.

Шунинг учун Нигор ойим бу жўмардлик ҳақини эриға бералмади:

— Гўшни кўброқ олибсизми... Анвар буюрғанмиди? — деб сўради.

— Йўқ, — деди махдум салласини қозикқа ила-ила, — бир манти килайлик, — дедим, — манти еганимизға кўб бўлди, валлоҳи аълам...

Раъно ювиниб келди, дадасиға уят аралаш бир қараб олдида, Нигор ойимнинг ёниға ўлтурди ва онасининг бағрида эмиб ётқан чақалоқнинг кичкина мимит қўлларини суюб ўпди.

Солиҳ махдум ешиниб келиб она-боланинг устида тўхтади.

— Сен мундане кейин кичкина бўлмайсан қизим, Раъно, — деди махдум насиҳатомуз, — шу укаларинг билан қилиб ўлтурган ишингни киши кўрса нима дейди. Иншооллоҳ уй эгаси бўлишға яқинлашиб қолдинг. Энди тош-тарозуни ҳам шунга қараб қўйишинг керак, қизим.

Раъно қизариниб онасиға қаради, яна мимит қўлни ўпишка машғул бўлди.

— Раънони эгасиға топширмағунингизча, — деди Нигор ойим, — куюлмайдиранға ўхшайдир.

Бу сўздан Раъно уялиб, бошини чақалоқнинг бағриға тикиб олди. Солиҳ махдум кулимсиган кўйи даҳлизға юруб борди ва оёғини кафшиға узатди.

— Тур, ётма Раъно! — деди даҳлиздан, — гўштни онангга тўғраб бер, пиёзни арт! Анвар

¹ Пайса – тахминан 50 грамм.

аканг ҳам келиб қолар, таом асрга тайёр бўлсин!

Раъно дадасини узоғлатиб, бошини кўтарди, онасиға ўпка аралаш кулиб қаради. Унинг бу қарашидан онасининг бояғи сўзига қарши ризосизлик онглашилмас, балки шодлиқ маънолари ўқулур эди. Дарҳақиқат, эру хотин ораларида ўткан икки калима сўз шу оила гулшанида ўскан Раънонинг истиқболини очик белгилар эди. Нигор ойим “Раънони эгасига топширмағунингизча...” деб гарчи бир мунча қўполроқ таъбир билан бўлса ҳам “Раънонинг эгаси” борлиғини сўзлар, Раъно эса “егаси”нинг ким эканлиғини яхши билгани ва уни қанот қоқиб қарши олғани учун жоду кўзида ризосизлик эмас сурур маънолари ўйнатар эди.

Дадасининг – “Анвар акан ҳам келиб қолар, таоминг асрга тайёр бўлсин!” жумласи Раънога яна очик, яна равшан таъминот берар эди...

2. АМИР УМАРХОННИНГ КАНИЗИ

Солиҳ махдум 1230-1290-нчи хижрий йилларда “Хўқанди фирдавсмонанд”да яшаган бир муаллим ва имом, ўз замонасининг истилоси билан айтканда “мактабдор домла”дир. Солиҳ махдум синфи жиҳатдан уламо оиласига мансуб бўлиб, бобоси Олимхон ва Умархон даврларида муфтилик, козилик мансабларида хизмат қилган, отаси эрса Кўқоннинг Мадали (Муҳаммадали) хон мадрасасида неча йиллар мударрис бўлгандир. Қисқаси махдумнинг ота-боболари хонлар қошида мумтоз ва халқ назарида “шарафлик ва муҳтарам” мавқийни ушлаб келганлар. Бироқ бу мумтоз силсила бизнинг махдумгача етиб келалмай, Мадалихоннинг қатли билан бирга кесилган, бунинг можароси эрса куйидағичадир:

Туркистон хонлиғи тарихидан хабардор кишиларга маълумдирким, Амир Умархон охир умрида ўз саройидаги ёш канизлардан бирига муҳаббат кўядир. Каниз ёш бўлганлиғи ва балоғатка етмаганлиғи учун уни никоҳига ололмай вақт кутади. Шу кутиб юриш йилларида Умархон муродига еталмай вафот қилади, бояғи каниз қиз балоғатка эришадир ва бир ҳуснига ўн ҳусн кўшулиб отанинг боласи бўлган Мадалихонни ҳам ўзига ошиқ қилади. Ўз саройида ўскан бу қизни ёш хон ҳамиша кўз ўнгида юритса ҳам бироқ... тарихнинг бизга хабар беришига қараганда Мадалихон шу қизнинг дардида неча йиллар ёнадир. Чунки уламолар бу гўзални Мадалига она мақомида ҳисоблаб, нима учундир хоннинг орзусиға кўндаланг келадилар:

“Отангиз, агарчанди канизни ўз никоҳларига олмаган бўлсалар ҳам ва лекин балоғатка эришкач олармад деб ният қилганлар. Бинобарин бу каниз сизга она мақомида, шарийат рухсат бермайдир!” дейдилар.

Мадалихон бу фатводан кейин дардини ичига ютишға мажбур бўлиб, аммо иккинчи тарафдан ўзининг орзусиға қарши борган уламони секин-секин “илмий” ишлардан олиб улар ўрниға янгиларини кўя бошлайди. Ўз орзусиға замин ҳозирлағач, бир неча йилни ўтказиб, яна уламоға шу тўғрида фатво сўраб мурожаат қилади. Табиий, яқиндағина оғзи ошқа еткан янги уламолар ўз валийи неъматлари бўлган Мадалихонға хиёнат қилмайдилар-да:

“Ба назди мужтаҳидини киром асли эътибор ақди шаръийдир¹. Отангиз марҳум – никоҳланаман деб айткан бўлсалар ҳам никоҳландим, деб айтмаганлар. Бас, амиралмўминин мазкурани худ нафслари² ақди шаръий³ қилсалар жоиз ва дурустдир. Валлоҳи аълам биссавоб” деб фатвономани “бинни муфти марҳум”, “бинни мударрис марҳум, “бинни Хўқандий марҳум” – муҳри баҳайбатлари билан қалашдириб берадилар ва Мадалихон тўй ва томошалар билан мурод-максадиға етади...

Кимларнинг воситаси биландир мазкура гўзал канизнинг таърифи Бухоро амири – амир Баҳодир – (Ботур) хонға етиб ул ҳам илгаридан ҳалиги канизга ғойибона ошиқ бўлган эди.

¹ Ҳурматга лойиқ дин алломаларининг назарича, асосий эътибор шарият конунларига қаратилиши керак.

² Ўз нафслари

³ Шаръий никоҳ

Аммо қайси йўл билан бўлса ҳам канизни кўлга киргиши фикрида бош оғритиб, нос чакиб юрган Баҳодирхон қулоғига бу хабари жонсўз етиб думоғидан дуд чиқадир ва дарҳол Бухоронинг забардаст уламо, муфти, аълам, ҳоказо ва ало-ҳозалқиёс пешволарини ўз ҳузурига чорлаб, дарғазаб воқияни сўзлайдир ва улардан дарҳол бир “фатвойи баҳайбат”ни талаб қилганида уламои киром ҳам дарон ботаҳорат-бетаҳорат, масалани эшитар-ешитмас фатво ёзадиларким:

“Бир жамоа мўминларга амир бўлган зотнинг вазифаси шаръийси шулдурким, исломда устивор турғай, аҳкоми исломни камокон¹ ижро қилғай. Ҳар бир амириким аркони исломдан заррача юз ўғурса ул кимарса жамоаи ислом устига амир эмас шарирдир². Наузанбиллаҳким Фарғона ва Туркистон мамлакатининг алҳол³ амири бўлган Муҳаммадалихон волидининг манкуҳаси⁴, яъни волидаи айни ва ризўисини⁵ ўз ақдиға олибдир, наузанбиллаҳи, наузанбиллаҳи. Оят ва аҳодиси шарифа ва ба чаҳори мазҳаб ва ба назди мужтаҳидини киром ва уламои зул-эҳтиром муттафақун алайҳи кофирдир. Казолика⁶ ўшандоғ муртаднинг қатли аввало дигар ислом амирларига ва баъд аз барча мўминларга фарзи айнди!”

Дарвоқиб “холисона” бу фатвога амир Баҳодирхон “бетарафона” қиймат бериб, “дин йўлида холис бир жиҳоди акбар” деб жамиъи қўшунлари билан Фарғона устига юриш қиладир. Амири Баҳодирнинг бу “холисона” жиҳоди Туркистон хонлиғи томонидан қандай муқоваматларга⁷ учради ва икки тарафдан қанча бошлар кесилди, албатта бу тўғрида бизнинг ишимиз йўқдир. Фақат бу можародан бизга кераклик нукта шундаким, натижада Мадалихон шикаст топди, ҳам амири Баҳодирхон томонидан қатл қилинди. Мадалихонга фатво ёзиб берган Қўқон уламоларидан бир нечалари ҳад урулдилар⁸ ва бир нечалари қочиб қутулдилар. Амири Баҳодирхон бўлса Фарғона ҳукуматиға ўз кишисини қўйди, фатҳу нусрат билан канизни олиб Бухороға қайтди.

Мақсадға келсак Мадалихонга фатво ёзиб беришда иштирок қилган ва Баҳодир томонидан ҳас урулган уламоларнинг бири шу бизнинг Солиҳ маҳдумнинг отаси эди. Ҳад урулгандан сўнг кўб яшолмади, ўлди ва шунинг билан бу оиланинг бурунғи имтиёз ва шарафи ҳам битди. Чунки мундан сўнг Туркистон тахтига ўлтурган хонларнинг ҳаммалари деярлик Бухоро амирининг ҳимоясида каби эдилар. Ва Мадалихоннинг фатвосига иштирок қилган уламолар ҳамиша эътиборсиз, мардуд бўлиб⁹ қолдилар.

3. МАҲДУМНИНГ УЙЛАНИШИ ВА МАКТАБДОРЛИГИ

Солиҳ маҳдум отасининг вафотида йигирма ёшлиқ талаба эди. Отаси марҳум бўлгандан сўнг ўзидан бир неча ёш каттароқ оғаси Марғилонга имом бўлиб оиласи билан кўчиб кетди. Солиҳ маҳдум онаси ва ўн олти ёшлиқ Наъима исмлиқ синглиси билан Қўқонда қўлди. Бирар жойдан келим бўлмаганликдан бу оила кўб тангликка тушиб охирда Солиҳ маҳдум таҳсилни тарк этишка, қорин тўйдиарлик бир касб излашка мажбур бўлди.

Албатта Солиҳ маҳдум оғирроқ касбни уҳда қилолмас, иморатка бўлса соқоли чиқмаганликдан яролмас эди. Кўб озор чекиб ниҳоят қориндош-уруғ ва маҳалла кишиларининг кенгашлари билан ўз уйига мактаб очди, маҳалладан беш-ўнта бола йиғди ва енг шимариб

¹ Бекаму кўст

² Шарир - зараркунанда

³ Ҳозирги

⁴ Никоҳли хотин

⁵ Ўз ва эмизган онасини олибдир... (муал.)

⁶ Шунинг учун

⁷ Қаршилиқ

⁸ Ҳуқуқсизлантириш

⁹ Ҳайдалмок

мактабдорликқа бошлади.

Бир неча йил мактаб ривожга минмади, яъни болалар ўн беш-йигирматадан нарига ўтмай, “панжшанбалик” аранг ит азоби рўзгорга етиб турар эди. Махдум ва оиласининг шундан бошқа даромад манбаълари бўлмагани учун ҳар ҳолда, яна шунга қаноат қилмоққа мажбур эдилар.

Ўғул йигирмага, қиз ўн бешка етдими – оналарнинг дарди келин ва куяв савдоси бўлиб қоладир. Шунга ўхшаш махдумнинг онаси Моҳлар ойимнинг касали гўё “дард устига чипқон” эди: махдумнинг ёши йигирмадан ошти, Наъима ҳам ўн саккизга тўлди, яъни келин ҳам керак, куяв ҳам. Наъима тўғрисида ташвиш йўқ, ҳусн, одоб, юмиш, ҳаммасидан кўнгилик тўқ, бек бўлмаса – бекзода, мударрис бўлмаса – мукаррир¹.

Аммо махдум масаласи бир оз мушкилроқ эди: топиш, тутиш маълум, отасидан қолгани фақат ички-ташқи ҳавли, мундан бошқа ҳеч гап. Бас, Моҳлар ойим ўз тириклигида махдумнинг “бошини икки” қилмаса, ўзидан сўнг унинг уйлани олиши амримаҳол. Шунинг кўзда тутиб Моҳлар ойим махдумнинг уйланишига мазкура Наъимани восита қилмоқчи бўлди. Яъни Наъимани узатиб эвазига узатилган жойдан келин олмоқчи эди. Қарши куда бўлмоқ учун қизлик ва ўғуллик ҳавлини учратиш ва бунинг устига “наслу насабда текислик”, олинадирған келиннинг силлиқина бўлиши – ана шундай мушкилотлар орқасида икки йил чамаси Наъиманинг умри сарғайиб ўтди. Юрт эмасми, дегандек юртчиликда юрак оғриғига даво топилмай қолмас. Шунга ўхшаш Моҳлар ойимнинг яраси ҳам ниҳоят учунчи йилда давосини топди:

Хон ўрдасининг мутаваффо² мирзоларидан биттасининг мадрасада ўқуб юрган ўғли бор эди ва уйда чакич чайнаб ўлтурган ўн олти ёшлиқ қизчаси ҳам бор эди. Бу оила Моҳлар ойимнинг таклифини маълумамнуният қабул этди. Чунки “ўхшатмай учратмас” дегандек нариги тараф ҳам Моҳлар ойимнинг биттаси эди. Совчилар Наъимани ёктириб Моҳлар ойимнинг таклифини қабул қилиб кетдилар. Моҳлар ойим марҳум мирзонинг уйига қиз кўргали бориб ул ҳам “қизи жажжигина экан” деб келди. Куявлар кўрулиб улар ҳам зарарсиз топилдилар. Шарту шароит сўзлашилди: икки орада қалин-палин деган гаплар йўқ, ҳар ким ўз улушига тушкан ош-сувини қиладир, келинни ўраб-чирмаб оладир, вассалом.

“Ҳай этти, хуй этти, икки коски тўй этти” деганларидек ҳар икки тўй ҳам бир ҳафта ичида ўтти, Наъимахоним уёққа кетиб, Нигорхоним буёққа келди. Шундай қилиб Солиҳ махдум хотинлик бўлди.

Солиҳ махдумнинг мактаб иши ҳам учунчи йилдан бошлаб бир оз жонланған, болалар ҳам ўттуз-қирққа еткан эдилар.

Солиҳ махдум ўттуз ёшларга борғанда мактабдорлиғи ҳам яхшигина шуҳрат топадир, шогирдлар сони бир юзга етадир. Меҳмонхона торлик қилғанликдан мактаб учун махсус бино ёпадир, имло, иншо ва ҳуснихат машқи учун алоҳида хона айирадир. Махдум ёлғин шунинг билангина қаноатланмай хотини Нигорхонимни ҳам ишка соладир, яъни унинг саводини тузатиб “отин биби” қиладир. Икки-уч гузарнинг қизлари Нигорхонимнинг сабоғига йиғиладилар. Қисқаси, махдум мактабдорликда яхши шуҳрат қозонганидек, уй-рўзгорини, юриш-туриш, кийим-солим ва бошқа тарафларини ҳам тузатиб оладир.

Қирқ ёшларида маҳаллага имом бўладир ва мактабини яна ҳам кенгайтириб шу даҳанинг ҳар бир табақаси ичида “устоз мулла Солиҳ махдум” бўлиб таниладир. Масалан, ўзида савод чиқарған косиб, савдогар, муллабачча (мадраса талабаси) ва шунингдек янги бўғимларга устозлик унвонини оладир. Ҳатто кейинги вақтларда унинг шогирдларидан хон ўрдасигача бориб кирганлари бордирким, махдумнинг бу муваффақиятини бошқа бобларимизда ўқурсиз.

4. МАХДУМНИНГ БАЪЗИ ХИСЛАТЛАРИ

¹ Ассистент

² Вафот этган

Юқоридан ўқуғучиға бир даража онглашилған бўлса керакки, яқин йигирма йиллардан бери махдумнинг махдумнинг келими шаҳар ёки қишлоқ сўраб турған бир бекча бўласа-да, ундан қуйроқ, ҳар ҳолда шаҳар мадрасасида дарстўлик қилиб, вақфни ўз қабзига¹ олған бир мударриснинг тушимидан албатта кўб. Келимнинг шу йўсун яхши бўлишиға қарамасдан унинг табиъатида ҳарчанд тиришилса ҳам махтаб бўлмайдирған хусусиятлар бор: хасисликка ўхшаған ҳолат, тамаъғирлик каби одат, ичқоралиқ сингари ҳаракат ва амсоли...

Ёш чоғида отаси ўлиб, қаттиғчиликда ўсди, унинг баъзи ярашмаған ҳаракатлари балки ўша қаттиғчиликнинг руҳка сингиб қолған ёмон таъсиридир. Ҳар ҳолда бизнинг мундаги вазифамиз махдумни таҳлил қилиш эмас, балки унинг шахсига хиёнат ва бўҳтон қилишдан сақланиб, яъни ортдирмай ва камитмай ўқуғучиға бутун тақдим эта билишдир.

Ойни этак билан яшириб бўлмайдир. Махдумнинг хасисликка ўхшаш ҳолатлари албатта бор эди. Махдум топиб-тутмаған йилларда бу ишни йўқликдан қиладир, десак-да кейинги вақтларда ҳам шу одатини тарк этмагани учун табиъатида бир мунча хасислик бор экан, деймиз.

Кўйлак-иштоннинг аксар етти-саккиз жойидан ямоғи бўладир. Етти қишдан бери гуппи – чопон янгилагани маълум эмас, фақат қиш келиб кеткан сайин алак гуппининг энги ўзгарибкина турадир ва астари йил сайин янгидан-янги ямоқлар билан бойийдир, шу гуппи бутун умрида биргина мартаба ва шунда ҳам махдумдан берухсат аммо, Нигор ойимнинг зўри билан тоғораға тушиб чўмилди. Бу кунда бўлса тўрт йил бурунги ғусли, етти йиллик туси, турлик-турлик ямоғи билан саккизинчи қиш махдум поччасиға содиқона хизмат қилиш учун бўғжома ичида ўзига куч йиғиб ётадир. Маҳалла кишилари махдумнинг бу чопониға “молтопар” деб исм берганлар, гуппи кийилиб чиқилған кун махдумга сездирмай “молтопар савдодан қайтибти... ҳали бақувват, иш қилиб ямоққа чарчамасанг яна ўн йиллингми, Мамарайим!” деб кулишадирлар.

Қисқаси: беш-олти қайта бошлатилиб қўнжи бир қаричға келган айбаки² махси, чарми уст-устига уюлиб ердан уч эллик чамаси кўтарилған икки чорак вазнлик кафш, ёши маҳалла кишиларининг кўбларига маълум бўлмаған, ҳарчанд эҳтиён қилинса ҳам неча жойидан попилтириғи осилған оқ-бўз салла маҳалла кишиларининг эрмакларидандир. Булардан бошқа ҳайит кунлари ва тўйлардағина кийилардирған банорас тўни, совуқ қаттиғроқ бўлганда ичидан киядирған адрас гупписи ҳам бор. Маҳалла кишилари банорас тўнни “зарурат” деб атаған бўлсалар ҳам, адрас гуппига ҳали ном қўйғунча йўқлар, чунки бунинг дунёға келганиға фақат тўрт-беш йилгина бўлгандир.

Кези келганда махдумнинг ёзлик кийимларини ҳам бир сидра айтиб кетайлик: йўллуқ, қизил қалами бўздан яхтак, оқ бўздан жиҳақ ёқалиқ кенг кўйлак (чунки тор бўлса йиртиладир) ва лозим (яъни иштон) ҳамда сарпойчан кийишка енгилча сағри³ кафш, аммо салла қишин, ёзин битта.

5. ОИЛА ВА КИШИЛАР БИЛАН МУОМАЛА

Махдум оиласини ҳам кийим-кечак вазидан ўзи каби тутар эди. Кийим-кечакдағина эмас, ҳатто озиқ-овқат тўғриларида ҳам унинг анчағина келишимсиз қилиқлариға йўлиқилар эди. Масалан, бир ой тўлмасдан кир ювишға рухсат бермас, агар Нигор ойимнинг бир ойсиз кир ювганини кўриб қолса – “кийимни тоғорада чурутасан!” деб ғовға солар эди. Икки ҳафтасиз паловни кўрмаслар (озодлик ошлари албатта мундан мустасно), кўб овқатлари убра, туппи, мастаба, кўғурма шўрба бўлар эди.

¹ Тутам, чангал

² Мол терисидан ишланған сифати паст чарм

³ От терисининг дум томонидан тайёрланған чарм

Нигор ойимнинг қозони йўқча, елча гўштни фақат палов шарофати билангина кўрар эди. Лекин маҳдум баъзи нарсалар билан ошхонани яхшигина мўлиқдирар, масалан: шалғам, қовоқ, лавлаги. Бу тўғрида хотини ҳарчанд рад қилса ҳам қоплаб шалғам, йигирма-ўттузлаб қовоқ харид қилишини қўймас – “шалғам – Биби Фотимаи Зухранинг дуолари баракати, қовоқ бўлса ҳазрати Юнуснинг мўжизалари” деб баҳоси арзон ва лекин хосияти кўб бўлган бу маблағлар билан ошхонани тўлдирар берар эди. Ҳар ҳафта бир-икки мартаба қовоқ сомса ёпдирмай қолмас, аммо – “ёғни кам сол, қовоқнинг таъмини бузадир!” деб таъкидлашни ҳам унутмас эди. Уйда нон ёпилмағанидек бозордан ҳам сотиб олинмас, чунки, панжшанбалик нон етиб, ортиб ётар, ҳатто баъзи вақтларда бозорга ҳам чиқар эди.

Маҳдумнинг ўқуғучи болалар билан муомаласи жуда яхши эди. Савоғини билмаган ёки шўхлиқ қилган болаларни ҳар қанча сўкиб, койиса, дўқ уриб, давара қилса ҳам урмас, бу жиҳат билан бутун Қўқон болаларининг муҳаббатларини ўзига жалб эткан эди. Аммо “озодлик” масаласида болалардан ҳеч кимни ҳам афу этмас, бой боласига “озодлик” лозим бўлган бўлса албатта ундиришқа, камбағал боласидан мумкин қадар узиб олишга ҳаракат қилар; болалар Ҳафтияк, Куръон, Сўфи Оллоёр ва шунга ўхшаш китоб бошласалар озодлик мажбурий, мактабдан маъзун¹ бўлганларнинг зиёфат қилиб маҳдумга сарупо беришлари қоидада бор бўлса ҳам, лекин аксар болалар бу тўғрида домлани – “ана-мана” билан алдаб кетарлар, сахийроқ оталар бу маросимни адо этиб “устоз”ни рози қилмасалар, аммо кўбчилик маҳдумни ранжитар эдилар. Панжшанбалик бўлса мактабнинг асос ҳаққи ва булардан бошқа “Қулёга қуймоқ – Аммага бўғирсоқ – Ёсинга юпка” деган гаплар ҳам бўлар эди. Болалар ҳар йили бир марта “бурё пули” ва ойиға бир неча бор “супурги пули” ҳам тўлаб турар эдилар.

Маҳдум мумкин қадар болаларни ўз мактабига жалб қилишга тиришар, айниқса бой ва бек болаларини ўз қўлиға олиш учун ҳар бир чорани кўрар эди. Масалан, бой ва аъёндан бирининг ўғли бошқа мактабда ўқуб юрган бўлса уни болалар воситаси билан ўз мактабига чақирар, нима ўқуғанини, нималар билганини сўрар, бола савоғидан яхши жавоб бералмаса “сизда айб йўқ, ўғлим, устозингиз бир оз шундайроқ одам... хўб, хўб; бизнинг мактабларга ҳам келиб юринг! Мен ўзим сизни жуда дўст тутаман-да!” дер эди. Табиъий, боланинг шу кундан бошлаб ўз домласидан кўнгли совур, тез кунда маҳдумнинг мактабига келиб кирар эди. Баъзи вақт чет мактаб болалари билан шундай муомалани кўчаларда ҳам қилар ва ўғли бўлган бой ва ашрофларга ҳам жуда сертакаллуф, хоксорона салом бериб танимаса ҳам улар билан сўрашар, нечта ўғли борлиғини ва уларнинг ўқуб-ўқумаганлиқларини, ўқушға ихлосларини текшириб, ўзининг таълимида қўлланган енгил усулларини ҳам бир мунча тикиллатиб ўтар эди. Табиъий, маҳдумнинг бундай ҳаракатлари кўпинча фойдасиз бўлмас, мактабига янгидан-янги шогирдлар тўпланиб турар эдилар.

Ўз қаторидағи мактабдор домлаларни асло кўралмас, уларга қарши юрагида умрлик кек сақлар эди. Баъзи мажлисларда йўсуни келиб қолса – “ҳа, мулла фалончими, кўб болаларнинг умрини зойиъ қияпти, деб эшитаман... шогирдларидан бир нечаси шикоят қилишиб менга келишкан эдилар... Қандай қилай, шогирдларим ўзимдан етиб ортсалар ҳам умрлари зойиъ бўлмасин, дедим” дер ва эшиткучиларга сездирмай рақибини чимчилар; кези келди дегунча иккинчи мактабдор тўғрисида шу йўсун замзама сўзлар эди.

Маҳдум бўйчан, олагўшт, сийрак мўй, оқ тан, истараси иссиғ бир домла эди. Ёши эллидан ошқан, соч ва соқолида бир мунча оқлар кўринар эди. Киши билан сўзлашканда, айниқса, бир нарсадан таажжубланганда сийрак ва лекин тўғри, бақувват ўскан соқолини тутамлаб ўнг кўзини бир оз қисиб қарар, одат қилгандан бўлса керак гап орасида “ҳабба” деган сўзни кўпроқ ишлатар эди. Домланинг бу “ҳабба”си нима маънода қўлланилар, ўзидан бошқа ҳеч ким билмаганидек, ундан бу тўғрида изоҳ ҳам сўрамаган эдилар. Ҳар ҳолда “ҳабба – ҳабҳали” ёки

¹ Изн олган

“ҳа, баракалла” бўлса керак. Чунки ул бир нарсадан хурсанд ва рози бўлганда аксар “ҳабба” деб юборадир.

Шу ергача бир неча саҳифаларни маҳдумнинг таърифи билан тўлдирдик. Эҳтимолки домланинг ғийбатини ҳам қилдик ва қилармиз. Лекин шунисидан хотиржамъмизки, йўқни-йўндирмадик, маҳдумнинг шаънида бор гапларнигина ёздик ва ёзармиз. Маҳдумнинг ҳамма нуқсонини ювиб кетарлик бир жумладан сўнг яна ўз ишимизда бўламиз: — нима бўлганда ҳам маҳдум ўз замонасининг энг олдинги домлаларидан, Қўқон аксариятининг саводхон бўлишлариға сабабчи устозлардан, ҳатто улуғ хизматларга киши етишдириб бергучи нодир муаллимлардан эди.

6. НИГОРХОНИМ

Нигорхоним бошда эрга ёлчимади. Аввало эрининг фақирлиғи, бойиғандан сўнг бўлса унинг зарбулмасал бўларлик хасислиги бечорани кўб йиғлатти. “Хотин кишининг боши уй ичининг оғир тоши” эмиш... Ҳозир ўзи қирқ ёшқа кирган бўлса, йигирма беш йилдан бери шу мумсик эр билан тириклик қилиб келадир. Бу кун ўн етти ёшлиқ Раъно каби қизға, саккиз ёшлиқ Маҳмуд (Раъно билан Маҳмуд орасида икки бола нобуд бўлган), олти ёшлиқ Мансур ва бешиқдаги Масъудларга она бўлди.

Нигорхоним Қўқоннинг кўб хотинларига қараганда сабрлик ва қаноатлик экан. Дунёда ўз ўғлининг хасислигига чидалмаган она бўладими, ҳолбуки маҳдумнинг онаси – Моҳлар ойим ўғлининг бу қадар ихна¹ ва сиқиклиғига тоқат қилолмай норозилик юзасидан Марғилондаги ўғлининг ёниға кўчиб кетиб ўша ерда вафот этди. Нигорхоним эрса тишни-тишка қўйди, эримдан яйраб-яшнамаган бўлсам қизимдан ва олдимға қўйган ўғулларимдан ёлчирман, деб умидланди. Дарҳақиқат, сабрлик бу хоним ҳозирданоқ шу ўз олдиға қўйган болаларининг бири ва тўнғучи бўлган Раъносининг туфайлидан бир қадар рўшнолик кўриб бошлади ва ойнанинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ эканига ишонди.

Бир ямоқчи ёки мардикорчи ўз хотинини урадир, сўкадир, тепкилайдир. Бу ҳол уларда аксар фақирлик авжиға минган кезларда воқиб бўладир. Агар ямоқчи кекирарлик даражада томоқни бопта қилса, иши ўнгидан келиб истикболи бир мунча таъминлангандек бўлса дарҳол вазият ишонмаслик равишда ўзгариб кетадир: гап-сўз жойида, хотинни уриш ўрниға орқасини силаш, сўкиш ўрниға ялиниш ва арзи муҳаббат. Хотин ҳам кечаги калтак зарбини унуткан, кина ўрниға садоқат; гўё айтарсизким, Юсуф Зулайҳоларми деб.

Юқори табақа оилаларга кириб қарасак, мунда тамоман бошқача манзара кўрамиз: корин тўқ, бирар нарсага эҳтиёж йўқ, истикбол таъмин ва лекин бояғи фожиъа буларда кучлирак, шунинг каби бу фожиъалар муваққатий ҳам эмас, сабабини топиш ҳам қийин. Яхши, ямоқчи-ку ярамас тузулишка қарши бўлган кекини кўзи тиниб хотинидан олган эди. Аммо кейингиларнинг турмуш шароитлари яхши, ҳамма нарса ўз орзуларича, бас, шу ҳолда уларнинг уй можаролари ва бола-чақани ит каби сиқиллари нимадан?..

Шунга ўхшаш бизнинг маҳдумнинг ҳам ғояси бирни икки қилиш, бешни ўн қилиш эди. Яхши кечиниш учун турмас, аммо кўпайтириш учун яшар эди. Нигорхонимни урмас ва лекин урғандан беш баттар қилиб сиқар эди. Икки юз тиллодан кўб оқчаси (бу оқчаларни ҳусули² тўғрисида кейин сўз бўлур) ва саводлик бўлган болалар зиёфатидан кийган икки сандиқча сарпоси бор эди. Олтиндан сарф қилмаганида ҳам лоақал шу кийимлардан на хотинини ва на болаларини фойдалантирар ва на ўзини ихналиқдан қутқарар эди. Буни ҳам қўйиб турайлик, Нигор ойим йигирма-ўттуз қизни ўкутиб улардан тушкан “озодлик” ва “панжшанбалик” пулларга ҳам эга бўлолмас, ҳар кун деярлик муҳтараб маҳдум поччаға ҳисобини батамом

¹ Сиртки кўринишига эътибор бермовчи

² Ҳосил бўлиш

топшуриб туришқа мажбур эди. Махдум бунинг эвазига ҳар йил бозорнинг энг дағал бўзидан бир пар кўйлак, лозим олиб берар, янги гуппи билан ёзлик мурсакни бўлса Нигор ойим беш-олти йилсиз кўрмас эди.

Нигор ойим қисқа бўлик, писта пўчоқ тарғил кўзлик, зарча танлик, юзидаги онда-сонда чечак ўрунлари бўлмағанда ҳусндор бир хотин эди. Ўз болалари билангина эмас ҳатто шогирдлари бўлган қизлар билан ҳам жуда юмшоқ муомала қилар, ортиқча аччиғланган кезларда “бетинг қурсин” деб қошини чимириб олар эди. Эрига ўхшаш “озодлик” учун болаларни сиқмас, билъакс “бўшлиғи” учун ўзи махдум томонидан сиқилар эди. Оз ва маънолик қилиб сўзлар, хотинлар билан муомаласини бошқа отинбибилардек юқоридан туриб қилмас, соддача суҳбатлашар эди. Хотинлар махдум домланинг баъзи қилиқларидан кулишсалар ҳам Нигор ойимнинг орқасидан ғийбат сўзламаслар, олдида қандай ҳурматласалар кейинидан ҳам ўшанча эҳтиромлаб, унинг махдумдек зикна кишининг кўлиға қарам бўлганиға ачиниб “пешана-я айланай, қолу бало” дейишар эдилар.

7. РАЪНО

Исм билан жисм аксар бир-бирисига мувофиқ тушмайди. Меним ёш вақтим, айниқса, гўзаллик қидирган мағрур чоғларим эди. Оиламиздами, бошқа ердами баҳарҳол хотирамда яхши қолмаган, Лола отлиғ бир қизнинг чеварлиги тўғрисида сўз бўлди. Мажлис аҳли менга яқин, яъни улар олдида ҳусндан баҳс очиш уят бўладирган кишилар эдилар. Шунинг учун менга Лоланинг чеварлигидан кўра муҳимроқ бўлган “ҳусн”и масаласида изоҳот сўрашнинг имкони бўлмади. Лекин Лола исмининг остида бир малакни кўрган – “Лоланинг исмига ўхшаш ҳусни ҳам бор” деб ўйлаган эдим. Шу кундан бошлаб Лолани кўриш ҳажрига тушдим. Бўйи еткан қизларни кўра олиш бу кунларда ҳам амри маҳол бўлганидек, мундан ўн йиллар илгариди яна мушқилроқ эди. Неча вақт “ҳижрон ўтида ёниб” кўча пойлаб, ниҳоят, Лолани сув олиш учун кўза ушлаб кўчага чиққан ҳолатда учратдим. Бурнидаги булоқисидан бошқа (агар булоқи ҳуснга кўшилса) “Лола”ликка арзийдирган ҳеч гап йўқ эди.

Яқиндаги бир боладан сув олғучининг ким эканини сўраган эдим:

— Лола опам, — деди.

Боланинг талаффузи менга “Мола опам” бўлиб эшитилди. Бир неча кунлар бу қизнинг отини “Лола” деб кўйганлари учун аччиғланиб юрдим. Чунки, афу этасиз, ўша кезларда аччиғланишға ҳаққим бор эди...

Аммо Раънонинг исми – жисмига ёхуд ҳуснига жуда мувофиқ тушкан эди. Мен расом эмасман. Агар менда шу санъат бўлганда эди, сўз билан билжираб ўлтурмас, шу ўрунда сизга Раънонинг расмини тортиб кўрсатар, кўяр, фақат менга Раъно гулининг сувигина кўпроқ керак бўлар эди.

Солиҳ махдум ҳасис, таъмагир, ҳар ҳолда сажияси эътибори билан уни яхшилар қаториға қўйиб бўлмайди. Ва лекин табиъат ҳасис эмас, тикандан гул, аридан бол яратаберадир. Шунга ўхшаш тиканлик ёғочдан ҳуш ислик, латиф кўрунишлик Раъно яратилган эди.

Бизнинг ўзбекларда, айниқса Қўқонға маҳсус бир тус, сарикқа мойил бир тус бор. Лекин бу тусни кесдириб сарик деб бўлмайди. Чунки биз оғриқ кишининг тусини сарик деймиз. Зарча, заъфар туслари ҳам бунга дағаллик қиладилар. Таъбиримиз кўпол тушмаса бу гўзал қиз, оч раъно гулининг тусида ёки оқ сарик тусда яратилган эди. Аъзода ўскан тукларга ҳам ҳалиги туснинг таъсири бўладир. Раънонинг сочи гунгурт-қора, яъни куёшсиз жойларда қора кўринса ҳам куёшда бир оз сарғиш бўлиб кўринар эди. Шунга ўхшаш Раънонинг кўзида ҳам бунинг асари кўруладир: мудаварга¹ мойилроқ жоду кўзи кишига қаттиқ қараганда қоралиқдан

¹ Тўғарак

бошқача яна бир турлук нур сочар эди. Кипраклари остида нафис бир сурма доираси бор эди. Қоши туташ каби кўринса ҳам кўндаланг ётқан икки қилич орасини нафис бир қуюлиб кўтарилиш ажратиб турар эди. Бурни ҳеч бир мунаққидга беришмаслик мутаносиб, ҳар замон уялиш табассумига ҳозир турған нафис иринларининг юқориғи қисмида сезилар-сезилмас туклар кўкарган эди. Юзи чўзиқ ҳам эмас, ой кулча ҳам деб бўлмас, кишига кулиб қарағанда қизил олма остларида иккита замма равишлик шакл ҳосил бўлар, гўё бизга чин раъно гули очилған ҳолатда кўринар эди. Сочлари жуда қуюқ, саноксиз кокиллар Раънонинг орқа, ўнгини тутиб ётар, қадди узунлиқ билан қисқалиқнинг ўртаси, дўндик бармоқларининг жимжилоғида хина гуллари, ҳар ҳолда бу қиз ёлғиз Қўқоннинггина эмас, умуман Фарғонанинг куйларига кўшулиб махталадирған гўзалларидан эди.

Раъно Нигор оймнинг тўнғучи, бу йил ўн етти ёшни тўлдурадир. Саводни отасидан ўқуб, ўн тўрт ёшида ибтидоий мактаб прўграмида бўлған барча дарсларни битирған, масалан: диний қисмдан – “Ҳафтияк”, “Қуръон”, “Чаҳор китоб”, “Сўфи Оллоёр”, “Маслаки муттақин”, адабиётдан – Навоийнинг барча асарлари, девони Фузулий маъа¹ Лайли Мажнун; Амирий, Фазлий ва шулардек чиғатой-ўзбек катта шоирларининг асарлари; форсийдан – Хожа Ҳофиз Шерозий ва Мирзо Бедил, хусни хат, иншо ва бошқалар. Бу кунларда бўлса бир томондан қизларга сабоқ бериб онасиға кўмаклашса, иккинчи тарафдан отасида кофия (араб наҳв ва сарфи) ҳамда Шайхи Саъдийнинг “Гулистон”идан дарс оладир ва шунинг қаторида ўзи яхши кўрган чиғатой-ўзбек шоирларининг бадиъа асарларидан алоҳида бир мажмуъа тузиб юрийдир. Баъзан “овлоғроқ жойларда” ўзича манзумалар тўқуса ҳам, бироқ буларнинг иси ўзидан четка чиқмайдир. Агар тўқуған шеър ёки манзумаси ўзига маъқулдек тушса фақат бир кишигагина кўрсатиб оладир. Ва ул киши ҳам бу сирни четка чиқармайдирған ишончлик ўз кишиси.

Қисқаси биз юқорида Раънонинг шеърий бир ҳуснини кўрганимиздек уни фазл ва заковатда ҳам ўтқан хон замонлари асрининг нодир учрайдирған якто фозила қизларидан санаймиз ва санашға ҳам ўзимизда мажбурият ҳис этамиз.

Раъно қанча жиддий бўлса ҳам яна унда болалик табиъати бутун кўйи сақланадир: укаларининг ўюниға комил ҳуқуқли бир аъзо тариқасида иштирок этадир, онасининг кўзини чалғитиб ўқуғучи қизлар билан жанжаллашиб оладир, қизлар сабоқларини билмасалар аразлаб, уларни ўқутмай ташлаб кетқан чоғлари, арзимаған гапдан тез мутаассир бўлған кезлари кўб бўладир. Раъно ўзининг мундай ҳаракатларига қарши онасидан яхши-ёмон мукофот олмасаҳам, кўпинча отасидан танбиҳ эшитадир. Койиш эшиткани учунгина эмас уй-рўзғор тўғрилида онасини сиқиб ушлаганидан ва фоҳиш танглигидан² ранжиб отасини унча хушламайдир. Отасидан аччиғланған кезларда онасиға жиддий қилиб: “Ҳамма айб ўзингизда, отамдан кўра тузукроқ эрни топиб тегсангиз мунчалик қийналишиб юрмас эдик” деб бўғилған Нигор оймни курдурадир.

Қаттиғ ранжиган бир кун отаси – Солиҳ махдумга бағишлаб қизиқ бир ҳажв ёзған ва “ўз кишисига” кўрсатиб уни кулдурған эдиким, биз кулгулик учун бу ўрунға бир неча мисраъини кўчирамиз:

Ёғлар тўкилса ерга ётиб ялар тақсирим,
 Бўлса бозорда пастлик сотиб олар тақсирим.
 Меним учун бир зирак, Раънобонуға жевак³,
 Деса ойм – “Не керак?!” юмма талар тақсирим.
 “Кулоқ тешиш фазл эмас, пулни топиш ҳазл эмас,
 Жевак тақиш фарз эмас!” ғавғо солар тақсирим.

¹ Билан

² Ортиқча сиқув

³ Қизларнинг бу кунда истеъмолдан қолған кўкрак зийнати (муал.)

Муҳтарам ўқуғучини қаҳрамонларимизнинг бир қисми бирлан танишдиришни шу ерда тўхтатамиз. Уларнинг ички ва ташқи табиъатлари яхши ешилмаган бўлса ҳикоямизнинг давомида яна ҳам очилиб ва кенгайиб борар, деб ортиқча тафсияга киришмадик.

8. БИР ЎРДАЛИҚ

Махдумнинг ҳавлиси уч қабат эди. Кўчадан биринчи қабатда меҳмонхона, мактабхона ва машқхона эди. Иккинчи қабатда мураббаъ, ярим таноб чамаси боқча, бунда шафтолу, олма, анжир каби мевалик дарахтлар ва бир неча кекса сўри тоқлар қулп уриб ўскан эдилар. Махдумнинг болалар кучидан яхши фойдалангани учун бўлса керак, боқчанинг ҳар бир қариши бўш қолмаган, унда ҳар турлук кўкатлардан бор эди. Ўртадаги сўрининг ости бир ярим газ кўтарилиб ишланган суфа, суфанинг уч тарафига ёз гуллари экилган, райхон ва бошқа чечаклар атрофка ўз атриётларини онқитиб ётар эдилар. Биринчи қабатдан киргач боқчанинг суфасига ҳамда ичкарига юруладирган йўлкалар бор эди.

Ҳозир мезон ойининг иккинчи ҳафталари, боқчанинг мевалари етилкираган, айниқса сўридаги қора ҳусайни узумлардан гўё боллар томиб ётар эди. Йўлкаларга сув сепилган, суфага гилам солинмаса ҳам гуллик кийиз тўшалиб, уч тарафига кўрпачалар ёзилган эди.

Махдум этни уйга бериб чиқгандан кейин икки соат чамаси ҳуснихатдаги болалар билан шуғулланди, орадан “абжод” сўзини дуруст ёзиб чиқарган бир боланинг қўлини боғлаб уйга юборди. Бола уйдан “қўл ешар” олиб келгандан сўнг ҳаммага жавоб бериб бу кунги вазифасини тамомлади.

Махдум машқхонадан чиқиб ичкари киришга адим узган ҳолатда дарбозадан сипоҳи кийимда бир киши кирди ва махдумга табассум билан салом бериб яқинга юриб келди. Ўрданинг девонхона хизматчилари кийимида бўлган бу кишини махдум ўз умрида биринчи мартаба кўрар эди. Жавоб саломдан кейин сизланиб меҳмонни меҳмонхонага бошлади. Меҳмон ҳам такаллуфланмай домланинг орқасидан меҳмонхонага кирди, ўлтуришдилар, сўнг фотиҳа ўқулди. Ўрдалиқ табассум ичида махдумга қарагандан сўнг йиғиштириниб олди.

— Хато қилмасам жаноблари мирзо Анварнинг устозлари бўлсалар керак?

— Фақир...

— Уй ичлари билан хўб саломатмилар?

— Алҳамдулиллоҳ.

Махдумга кутулмаган равишда меҳрибон муомала қилғучи бу ўрдалиқ қирқ ёшлар чамасида, узун бўйлик, қора узун соқолик, симоби салласининг пешини туширган қорача туслик бир йигит эди.

— Каминалари ҳам, — деди ўрдалиқ, — мирзо Анвар билан бирга девонхонада ишлайман. Балки қулоқлариға чатилган бўлса керак, исмим Султонали мирзо...

— Хўб, хўб, — деди кулиб махдум, — Анвардан эшитканим бор эди, жанобларининг тавсифларини эшитканман. Начук худо ёрлақади? Фақирхонага ташрифлари билан бисёр хушнуд бўлдим.

— Адабсизлик бўлса ҳам, — деди мирзо Султонали, — муборакхоналариға бостириб келдим. Бунга ҳам буродарим мирзо Анварнинг муҳаббати мажбур қилди.

Султонанининг бу кейинги сўзи мақсадни бир даража домлаға онглата ёзди. Кайфланиш, ҳузурланиш махдумнинг юзида ўрунлашқан эди. Кўзини қисинкираб Султоналига қаради.

— Хўб, хўб, — деди махдум, — мулла Муҳаммад Ражаб марҳумнинг ўрниға бош мунший таъйин қилиндими, қўлим тегиб бу тўғрида Анвар билан сўзлашолмадим?

— Ҳозир таъйин қилинғунча йўқ, эрта-индин таъйин қилинар, деб турамиз.

— Кўб яхши, номзадлар бордир?

— Бор деди Султонали, — бир неча номзадлар ҳазрати хонға манзур қилинганлар,

жумладан шоир Мадхий, мулла Шаҳодат муфти ва бошқа яна бир нечалар. Масмуъингиз¹ бўлса керак, гарчи ўзи ризолик бермаса ҳам бир неча мирзолар шогирдингиз мирзо Анварнинг ҳам номзадани холис ариза билан жанобга манзур қилган эдик. Умид Худодан, ёрлиғ мирзо Анварга қойим² бўлур, деб турамиз.

Махдум соқолини тутамлаб шипка қаради. Гўё Султоналининг кейинги икки жумласига қайси йўсун муқобала қилишдан ожиз эди.

— Бир неча яхшиларнинг Анварга бўлган ҳусни таважжуҳларини³ эшиткан эдим, — деди махдум миннатдор оҳангда, — аммо фақирга шуниси мушқилроқ кўринадирким, башарти Анвар бош муншийлик вазифасига ёрлиғ олгундек бўлса, бу лавозимотни адо қила олурми, каминанинг назаримда бош муншийлик алахусус ул жанобнинг ҳузурларида беҳад улуғ ва мушқил кўринадир?

Султонали енгилча кулиб қўйди:

— Бош муншийлик лавозимоти борасидаги фикрингиз дарҳақиқат тўғри, — деди, — аммо мирзо Анварнинг уҳда қила олиши муҳаққакдир. Зеро, Анварнинг бу борадаги истеъдоди жанобларидан кўра каминага маълумдир, бу тўғридан хотиржамъ бўлсинлар.

— Дарвоқиб, Анварга кўб меҳнатим сингган, — деди махдум маҳтанғансумон, — бир қариш ёшидан бошлаб каминанинг таълимида ўсти, ўз кўлимда тарбия топқан неча юз, балки минглаб шогирдларим ичида кўб таважжуҳим шу болаға бўлди. Ушбу сабабдан ҳам мунчалик мустаъид⁴ бўлган бўлса ажаб эмас, деб ўйлайман... Ва лекин ҳолоғи⁵ сўзим шунинг учундирким, фазли ва истеъдоди кофий⁶ бўлса ҳам ёшлиқ, кам тажрибалик қилмасмукин, деб мулоҳаза қилурман.

— Бўстони маърифат ва гулшани ҳақиқат, — деди Султонали, — Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳи ўн ёшларида дарсгўлик қилиб ва ҳоказо кутуби мутабаррака таълифотиға ҳам ибтидо қилган эканларким⁷, бу каромат жанобларидан пўшида эмасдир. Бас, индалъуқало⁸ ёшлиқнинг ҳеч бир нуқс ва аҳамияти йўқ, аммо фазлу заковат лозимдир. Масалан, каминангиз таҳсилда “Ақоид”ғача бордим ва қарийб ўн йилдан бери мирзолик қилурман. Ўз ҳунаримда яхши тажриба ҳам орттирдим, шунинг бирла бирга нафсиламрни иқроор этишка мажбурманким шогирдингиз мирзо Анвардан кўб даража куйидаман: таҳрирда⁹, тақрир¹⁰ ва фароиз¹¹да Анварингизнинг ёрдамиға муҳтожман. Ҳолбуки ёшим ундан баробар катта, мен ўқуған дарсларни эҳтимол Анвар ўқумаған... Анварнинг заковатига ёлғиз мен эмас марҳум мунший мулла Муҳаммад Ражабнинг ўзи ҳам таҳсин қилар, ажойиб ўғлон деб кўяр эди. Меним мирзо Анварни бу ўрунға саъи қилишим бўлса бир ғараз юзасидан эмас, холисонадир. Агар ғаразға ҳисобланса, масалан: “Бирарта ноаҳлнинг қўл остида ишлағандан, аҳлининг жағида тишланган маъқул” сўзига биноандир. Лекин мирзо Анвар нима учундир биз бир неча мирзоларнинг раъйимизга қарши тушиб, биздан ранжиб юрийдир. Ҳатто жанобға бир ариза киргизиб, меним номзадим янглиш кўрсатилибдир, мен бу вазифани уҳда қилолмайман, деб узр баён қилмоқчи эмиш. Унинг бу йўсун иноди нима учун, билалмадик... фақир, оғайнилар тарафидан гарчи адабсизлик бўлса ҳам ҳузурларига илтимос учун келдим. Аввало мирзо Анварга оталиқлари, соният устозлиқлари бор. Сиз жаноб тарғиб қилсангиз ва кенгаш берсангиз қабул қилар, деб ўйладик.

¹ Эшитилган

² Қарор

³ Эътибор

⁴ Қобилиятли

⁵ Ҳалиги

⁶ Етарли

⁷ Табаррук китоблар ёзишға ҳам бошлаған эканлар

⁸ Оқиллар наздида

⁹ Ёзиш

¹⁰ Матннинг мазмунини тушунтириш

¹¹ Мерос илми

— Ҳабба! — деди махдум хурсандлик билан, — бу тўғрида яхши сўзлашмаган эдик, сўзлашармиз, иншооллоҳ кўнар.

— Саломат бўлингиз тақсир.

Махдум соқолини ушлаб кўзини қисди:

— Боя пешин асносида, — деди, — қавмлар каминадан истифсор¹ қилишдиларким, “ўғлингиз Анвар мунший таъйинланар эмиш, ушбу ахбор тўғрими?” деб... Мазмуни шаҳарга ҳам машҳур бўлган экан-да?

— Балки, — деди кулиб Султонали ва бир оздан кейин оҳиста сир йўсунида қилиб сўзлади, — ўрда ичида бир нечаларимиз устоз мулла Муҳаммад Ниёз домлаға² ва ҳарамдан Оғача ойимға³ Анвар тўғрисида илтимос қилишдик. Шунинг учун мирзо Анварнинг бош мунший таъйин қилинишига шубҳа қилмаймиз. Фақат уни кўндирилса бас.

— Ва лекин, — деди махдум ниҳоятда очилган қиёфатда, — бу тадбирларингиз беандоза маъқул бўлибдир, яъни масалан, жанобга домла шоғовул ва малика хонимларни восита қилишларингиз...

— Биз ҳам шундай ўйлаймиз. Энди умид худодан, натижа ҳам орзумизча бўлғай.

— Иншооллоҳ.

— Демак, мирзо Анварни кўндириш вазифаси одобсизлик бўлса ҳам сизга қолди-да, тақсир? — деб Султонали такрор сўради.

— Хотиржамъ, — деди, махдум қаноат билан, — албатта ноинсофни кўндирсамиз керак.

Шундан сўнг Султонали ўзининг бу ерга келганини Анварга билдирмасликни таъкидлаб ўрнидан турди. Махдумнинг аздаҳидил “моҳазаримиз⁴ бор эди” деб қисташига қарши узр айтиб хайрлашди. Махдум аксар ўз уйига келгучи кишиларга қилмайдирган фавқулодда бир такаллуф билан уни дарбозағача узатиб чиқди.

9. ЎПКА ВА ҲАЗИЛ

Истикболнинг ширин хаёллариға кўмилган ҳолда махдум аср намози учун таҳорат олар эди. Таҳоратда тартибни риоя қилиш шуннат, аммо махдум тарки суннат қилмоқда. Ҳатто ўқуладирган дуоларни ҳам ўрунсиз ишлатмақда эди. Махдум шу йўсун бетартиб таҳоратланиб ичкарига кирди. Нигор ойим ошхонада мантиларни қасқонға териб қозонға уяр, Раъно бўлса айвонда кичкина укалари орасида ўлтурар эди.

Дадаси йўлақдан кўриниш билан Раъно Масъудни кўтариб турди. Ва қозикдағи саллачопонни олиб айвон муюшиға келди. Болалар ҳам дадалари олдида адабланишдилар.

— Анвар аканг келмадимми, суфа ёлғиз, — деди махдум, чопон, саллани кия-кия, — асрга бориб келгунимча, сен суфага чиқиб тур-чи, Раъно.

— Хўб.

Отаси чиқиб кеткач, Раъно кўлида укаси билан ташқариға йўл солди. Унинг кетидан Маҳмуд ва Мансурлар ҳам чопишдилар.

— Раънапа, Раънапа! — деб Мансур йиғи аралаш ўзидан чониб ўтмакчи бўлган Маҳмуднинг устидан Раъно опасиға арз қилди. Раъно боқчанинг суфасига ета ёзган эди. Мансурнинг йиғи шовқуни яна ҳам кучайиб рақобат ўти ёниб кеткач, Раъно тўхтаб Маҳмудни койишка мажбур бўлди:

— Маҳмуд, Маҳмуд, эси йўқ Маҳмуд!

Маҳмуд тўхтади, аммо Мансурдан олдинға ўткан эди, Мансур бу мағлубиятка чидалмай

¹ Сўрамоқ

² Худоёрнинг шоғовулбошиси – илмия вазири, «Тарихи Шаҳрухий»нинг муаллифи, шоир (*муал.*)

³ Худоёрнинг суюкли хотуни (*муал.*)

⁴ Таом

асабийлашиб, ерга ўлтуриб олди ва дунёни бузуб фарёд кўпорди. Раъно келиб Мансурни турғизди ва кийимига ўлтурган чангларни қоқти:

— Йиғлама, опаси, йиғлама, — деди, — ҳали дадаси Махдумни дум-дум! Қараб тур-чи, сен Махмуд, отанг келганда айтмасамми?!

Мансур “Раъанпа”сининг ҳимоясидан сўнг унинг етагида суфага қараб юрди. Аммо махмуд анча эзилган эди:

— Дадам йима¹ қиларди? — деб сўради турган жойидан.

— Келсин-чи, ҳали... Тунови кунги чивик эсингдан чиқдимми?

Махмуд жавоб бералмади. Унинг кўзида аччиғ аралаш кўрқув бор эди. Раъно кичкина укаси бағрида суфага чиқиб ўлтурди. Мансур “Раънапа”сининг елкасига суяниб, йўл устида серрайиб қолган Махмудга ғолибона бир турда истехзо қилар эди. Махмуд бу ҳолга ортиқ чидаб туролмади. Ўзининг енгилишига сабабчи бўлган Раънодан ўч олмоқ мақсадида:

— Муллатанинг хотини, муллатанинг хотини... эй, эй, эй!

Раъно кулди:

— Қараб тур, қараб тур, сен адабсиз, — деди ва Махмудга хужум қиладирғандек кўзғалиб кўйди.

— Билдим, билдим: муллатанинг хотини, муллатанинг хотини! — деди Махмуд ва ичкарига қараб қочти.

Раъно кулимсираб Мансурга қаради:

— Шундайми, мен муллатанинг хоними-а? — деб сўради. Мансур жавоб ўрнига йўлакка қаради ва сўюнчи ичига сиғмайган ҳолда суфанинг зинасига юругди ва кичқирди:

— Муллата, муллата телли, телли!

Раъно ҳам йўлакка қараб қизариниб кетди ва олдиға тушиб тартибсизланган сочини орқасига ташлаб тузатинди. Йўлакда кўринган ёш йигит (“муллата”) суфанинг йўли бўйинча келмакда эди. Қора чивик бекасамдан ҳарир тўн кийган мавзун қад Анвар биринчи қарашдаёқ кўзга дўндик ва кўркам кўринар эди. Қора сурмалик кўзи Раънода экан, ўзига югуриб келгучи Мансурга йўл устида чўнқайиб кучоғини очти. Мансурнинг юзидан ўпкач кўтариб суфага юрди. Анварни қаршиламоқ учун бўлса керак Раъно ҳам ўрнидан туриб суфанинг зинасига яқинлашди, ва табассу аралаш — “Ҳорманг” деди.

— Соғ бўлинг.

Анвар суфага чиқиб Мансурни ерга кўйди. Кафшини еша-еша Раъно томонға энгашиб, ўзига талпиниб турган Масъуднинг юзидан ўпти ва уни Раънодан олди. Масъуд Анварнинг қўлиға ўткач сапчиб гувранди ва кийқириб товланди. Раъно икки кўлини узатиб “кел менга, кел” деди. Масъуд буралиб Анварнинг бағриға сиқилди. Кулишдилар. Анвар болади ўпиб сўйди. Раъно Масъудни янди: “Сен қараб тур, бижи бола” деди. Анвар болани кўтарганча кўрпасига ўлтурди. Чап тизасига Мансур ёпишди ва унинг ёниға Раъно кўшилди... Шу йўсун икки орада бир мунча вақт Масъудни сўйишдилар: Анвар болани Раъноға бергандан кейин симоби шоҳи салласини олиб ёстикқа ташлади ва рўймоли билан қоққора бўли чиқа бошлаған муртини тузатди. Раъно қаршида тик турар эди.

— Тинчликми?

— Бетинчлик, — деди кулиб Раъно.

— Айни муддао экан бўлмаса... Ҳа, айткандек, — деди Анвар ўлтурган суфасига ишорат қилиб, — бу кун жой катта солинган?

— Меҳмон келар эмиш.

— Ёлғонинг курсин, Раъно, — деди Анвар кулимсиб, — қандай меҳмон?

— Мен қаёқдан билай, қандай меҳмон... фотиҳага кишилар келар эмиш, деб эшитдим.

¹ *Йима* – нима (муал.)

— Фотиҳаси қанақа?

— Билмасам қанақа?

Анвар ўйланиб яна кулимсиди:

— Сенинг фотиҳанг бўлмасин?

— Меним қандай фотиҳам бўлсин, мен ҳали тирикман.

— Тескарига бурма, Раъно, балки сени эрга бермакчидирлар?

Раъно қизариб турди-да, яна гапни кулгуликка олди:

— Мени кимга берар эмишлар?

— Сеними? — деди кулиб Анвар, — сендан хондан бошқа ким олсин?

Раъно кўлидаги укасига қараган ҳолда:

— Сиз шунга маслаҳат берсангиз... мен қандоғ қилай, — деди ва Мансурни чақирди, — тур Мансур, кетамиз.

Раънода аччиғланиш намоиши бор эди. Анвар Раънодаги бу ўзгаришдан ўнгғайсизликка тушди:

— Раъно, — деди. Раъно зинадан тушиб бошлаган ҳолда тўхтади, — чинини сўзла, меҳмон келиши аниқми?

— Меҳмон келиши аниқ, ҳам келди, — деди Раъно жиддий.

Анвар ажабланди:

— Меҳмон келди?

— Келди.

Анвар теваракка қаранди:

— Қани меҳмон, — деди.

Раъно кўли билан Анварнинг ўзига ишорат қилди:

— Ана меҳмон, — деди.

Анвар кулди:

— Мен меҳмонми?

Раъно жиддий равиш билан:

— Албатта, сиз бизга меҳмонсиз.

Анвар яна кулди. Бироқ унинг бу сўнгги кулишида кучланиш бор эди:

— Мен сизга меҳмонми?

Раъно кулимсиб ер остидан Анварга қаради ва кўлидаги хархаша қилиб бошлаган болани овитиш учун тебранди.

— Билмасам...

Раънонинг юзидан бояғи жиддият йўқолғандек эди. Анвар ҳам маънолик ҳазилни ташлаб чин ҳазилга ўтди:

— Меҳмоннинг қорни оч, Раъно, — деди, — албатта қадрлик меҳмон учун тансиқроқ таом пиширғандирсиз, деб ўйлайман. Бу кунги таомингиз исмини лутфан марҳамат қилсангиз эди.

— Меҳмоннинг вазифаси, — деди Раъно жавобан, — иззати билан ўлтуриш ва олдиға кўйган нарсани махтаб-махтаб ейишдир...

— Тўғри айтасиз, отин биби, — деди Анвар, — бироқ бу кунги меҳмондорчилиғингиз ҳам кечагидек убра билан бўлса махтаб-махтаб кўлингизға қайтариб беришим ҳам аниқдир.

Раъно бутун товшини кўйиб кулиб юборди:

— Бу кун кўғурма шўрбаға, — деди Раъно кулги ичида, — қаттиғ нон тўғраб ейсиз, жаз ўрниға шалғам чайнайсиз.

— Офарин, — деди Анвар, — бу кунги меҳмондорчилиғингиздан қарийб мамнун бўладирғанға ўхшайман. Агар мумкин бўлса шуни ҳам билсамки, бу кунги шалғам шўрба катта отин бибининг кўлларида тановул қилинадирми ёки кичик отин бибининг?

— Меҳмон учун бунинг фарқи йўқдир...